O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 6 OKTABR ◆ SHANBA ◆ № 118 (26.820)

5 октябрь куни АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд қисқа муддатли амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ мудофаа вазири билан учрашди.

АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

Суҳбат чоғида халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, сентябрь ойида АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан кейин Афғонистон борасида юзага келаётган вазият муҳокама қилинди.

Томонлар музокаралар якунида журналистлар билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, халқаро террорчиликка қарши самарали курашиш мақсадида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласини муҳокама қилган.

— Ўта самимий руҳда ўтган суҳбат чоғида жаноб Доналд Рамсфелд билан кўпгина масалалар юзасидан батафсил фикрлашиб олдик, — деди Президент. — Аввало, шуни таъкидлашни истар эдимки, террорни таг-томири билан йўқотиш борасида тузилаётган халқаро коалиция ҳеч бир давлатга, бирор динга қарши қаратилмаган. У фақат террорни ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи марказларни йўқотишни назарда тутади. Ўзбекистон раҳбарияти куни кеча АҚШ Президентининг афғон қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 320 миллион доллар ажратиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекканини тўла қўллаб-қувватлайди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мазкур коалициядаги иштироки ҳақида тўхталар экан, айрим масалаларга аниқлик киритди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, Ўзбекистон АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг транспорт самолётлари ва вертолётларига ўз ҳаво кенгликларидан ва мамлакат ҳарбий аэродромларининг биттасидан фойдаланишга рухсат беради. Бу аэродромни истифода этадиган кам сонли транспорт самолёт ва вертолётлари инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш билан шуғулланади, холос. Ўзбекистон ҳудудидан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар ҳамда бомбали ҳужум тадбирлари амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Айни пайтда Ўзбекистон АҚШ билан хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйишга ҳам тайёр.

— Шу кунларда томонларнинг мажбурият ва кафолатларини белгилаб берувчи икки томонлама ҳужжат тайёрланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай махфий музокаралар бўлгани, сир тутиладиган қарорлар қабул қилингани йўқ. Мазкур ҳужжат тайёр бўлгач, албатта, жамоатчилик ундан хабардор бўлади. Шуни ҳам такрорламоқчиманки, Ўзбекистон уч йилдан буён террордан бевосита ўзи жабр кўрмоқда. Шу маънода, биз бу иллатга қарши курашга бел боғлаган халқаро коалициядан четда тура олмаймиз.

АҚШ мудофаа вазири ҳам суҳбат самимий руҳда ўтгани ва ғоят сермазмун бўлганини айтди. У Ислом Каримовга Оқ уй раҳбарининг саломини етказганини, кечаётган воқеаларга тезкор муносабат билдиргани ва ҳозиржавоблик кўрсатгани боис АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон раҳбаридан ғоят миннатдор эканлигини таъкидлади.

— Ислом Каримовнинг сўзларини тасдиқлаб, шуни айтаманки, халқаро коалиция бирор давлат ё бирор динга эътиқод қилувчиларга қарши қаратилмаган, — деди меҳмон. — Мақсад сентябрь ойида АҚШда амалга оширилган, шунингдек, содир этилган бошқа террорчилик ҳаракатлари айбдорларини қидириб топиб, жазолаш ва бундай воқеалар минбаъд қайтарилмаслигига амин бўлишдир.

■ **(ЎзА)**

Суратда: учрашув пайти.

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ

Шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан, кейинги вақтда террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асосли маълумотлар билан бир қаторда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бирёқлама қарашлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қулоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Куни кеча баъзи хорижий ахборот воситаларида Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қиладиган 10-ўқчи дивизияси қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гўёки Ўзбекистоннинг аэродромлари деб кўрсатишга уринишмоқда.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан хорижий матбуот воситаларида бир қанча тахминлар ва ғаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилаётган аксарият хабарларда, кўпинча бўҳтондан иборат бўлган ахборот ва тахминларда, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюришини худдики бизнинг орамизда пинҳона тузилаётган қандайдир шартномаларнинг далили деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ва Буюк Британия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти билан телефон орқали бўлган мулоқотларини мана шу маъно-мазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол туғилади: бундай информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатишдан кўзда тутилган мақсад нима?

Биринчидан, бу ҳолни бизни кўролмайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганини кўриб кайфияти бузилаётган кучларнинг ғаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информацион хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончни йўқотиш мақсадида қилинаётган иғвогарлик ҳаракатларининг намойишини кўриш мумкин. Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад — минтақамизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб одамларни саросимага солиш, уларнинг юрагида ғулғула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончни йўқотишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, одам ҳар куни мана шундай уйдирмаларни эшитаверса, беихтиёр хавотир ва ташвишга тушиши, ўзига ўзи тинчлигимиз, болаларимизнинг эртанги тақдири нима бўлади, деб савол бериши, безовта бўлиши — бу ҳам табиий бир ҳол.

Ачинарлиси шундаки, бизнинг матбуот ва телевидениемиз бу масала бўйича халқимизга ўз вақтида зарур ахборот ва тушунтириш беролмаяпти, оқибатда жамоатчилигимиз хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларнинг ҳақиқий ёки сохталигини ажратишга қийналмоқда.

Матбуотимиз бундай мураккаб ҳолатларда ҳали тажрибаси етишмаслигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, бу информацион хуруж ташкилотчилари хоҳлайдими, йўқми, аввало, ўзининг мафкуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб терроризмга, XXI аср вабоси бўлмиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кучларни, одамларни йўлдан оғдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа туғдиришга уринмоқда.

Тўртинчидан, бугун яна шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кучларини бунга сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзда ва баландпарвоз баёнотларда билдирмоқдалар. Амалда эса афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очиқ айтадиган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлат арбобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Яъни, эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги ҳукуматда қандай кучлар ва қайси давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлади, деган саволлар ва ташвишлар билан овора.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган вахшиёна, мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, кўпорувчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъий назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро ҳамжамиятнинг қатъиятлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти.

Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки «Толибон» ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади мудҳиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб такрор-такрор айтмоқда.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, бугун барчани қизиқтираётган масала — бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз унутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри хазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабиҳ кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларида Сариосиёда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардормиз.

Бугун «Толибон» биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Қобулда, Қандаҳор ёки Жалолободда бўладими, ҳарбий лагерларда одамкушликни касб қилиб, Ҳайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний «Толибон» армиясининг қўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани англатмайдими?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу мудҳиш кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестилнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 8-10 октябрь кунлари расмий ташриф билан Австрияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

Анжуман аввалида Президентимиз оммавий ахборот воситалари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари АҚШда амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик хуружларидан сўнг Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар тарқатилаётганини таъкидлаб, уларнинг баъзиларида Ўзбекистонга нисбатан туҳмат гаплар ҳам борлигини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари дунёнинг аксарият мамлакатлари бугунги кунда террорчиларга қарши бошланган курашга қўшилганини ва Ўзбекистон ҳам бу курашдан четда турмаслигини яна бир бор таъкидлади.

— Терроризмга қарши кураш бизнинг юритаётган сиёсатимизга тўла мос келади, — деди Президент. — Бу курашни изчил амалга ошириш ва терроризмни ер юзидан таг-томири билан қўпориб ташлаш зарур.

Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

■ **(ЎзА)**

ЎзХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

2001 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ишида Қорақалпоғистон Республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этдилар. Мажлисда халқаро террорчиларнинг АҚШда содир этган ёвуз хуружлари муносабати билан, **«Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари»** ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мажлис кун тартибидаги масала юзасидан берган ахборотида таъкидладики, жорий йилнинг 11 сентябрида Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида юз берган фожиали воқеалар терроризмнинг халқаро ҳодисалигини, дин, миллат ва чегара билмаслигини, шу боис, у бутун инсониятнинг ашаддий душмани эканлигини яққол намойиш этдилар.

Президент И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти, таъкидланди мажлисда, терроризмнинг умумжаҳон хавфига айланган, унинг барча давлатлар ва халқларга таҳдид солаётгани тўғрисида қайта-қайта огоҳлантириб келмоқда, шу сабабдан, унга чек қўйиш учун барча тараққийпарвар мамлакатлар ҳукуматларини биргаликда ҳаракатлар қилишга даъват этмоқда. Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа мўътабар халқаро анжуманлар минбарларидан янграган таклифлари жаҳон жамоатчилиги томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинган бўлса-да, афсуски, ўз вақтида амалий чоралар кўрилмаганлиги бугун қандай оқибатларга олиб келганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Халқаро терроризмнинг умумбашарий хавфга айланганлиги ва унга қарши фақат биргаликда курашиш муваффақиятни таъминлаши мумкинлиги тўғрисидаги ҳақиқатнинг, эндиликда, барчага етиб борганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати, халқимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш, давлатимиз чегараларини ишончли муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриши билан бирга, АҚШ ва бошқа тараққийпарвар мамлакатлар раҳбариятлари, жаҳон ҳамжамиятининг йигирма биринчи аср ижтимоий-сиёсий вабосини таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш йўлидаги амалий ишларига хайрихоҳлик билдирди, республикамизнинг бу муҳим ишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Мажлисда, шунингдек, партиямиз 11 сентябрдаги АҚШда содир этилган мудҳиш воқеаларга ўзининг муносабатини Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг 12 сентябрда қабул қилган Баёнотида ўз ифодасини топганлиги, ушбу ҳужжатда терроризмнинг ёвузликлари қатъий қораланиб, бутун инсоният тақдирига таҳдид солаётган ушбу хатарли хавфни бартараф этиш учун жаҳондаги барча эзгу ниятли кишилар, маърифатли давлатларнинг ўз куч ва имкониятларини бирлаштиришларига умид билдирилгани эслатиб ўтилди.

Муҳокамада иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик, Қорақалпоғистон Республика, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят, Тошкент ва Қўқон шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари А.Асанов, Ф.Омонов, Ҳ.Эрматов, Л.Ғуломов, З.Ҳошимова Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро терроризмга қарши курашиш ва мамлакатимиз сарҳадлари хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсати ҳамда амалий ҳаракатларини, шунингдек, партиямизнинг ушбу масала юзасидан нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватладилар. Юртимизда олиб борилаётган шу йўналишдаги ишларда партиямизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, Ўзбекстон ХДП Марказий Кенгашининг тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда **«Терроризм — тараққиёт душмани»** мавзуида ҳамма жойларда, очиқ партия йиғилишларини ўтказишга қарор қилинди. Партиянинг барча даражадаги тузилмалари ва матбуот нашрлари таҳририятларига режалаштирилган тадбирларни бекаму-кўст амалга оширишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Мажлисда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши Ватанимиз кўпмиллатли халқининг мустақил Ўзбекистон раҳбарияти, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов атрофида янада жинслашишига хизмат қилиши лозимлиги алоҳида уқдириб ўтилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида қўндаланг бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик хуружи бошланса, биз бу бало-қазони бартараф этиш учун кимдан, қаердан кўмак ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Куролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чеҳрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамаса, бундай уюшган вахший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайдими?

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим? Бу саволлар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлиқ билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқаро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлғиз бўлиб қолмаймизми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам беряпти? Ёрдам у ёқда турсин, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб атайдиган босқинчи тўда билан сиёсий «ўйин» қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайдо бўлганини ҳам кўриб турибмиз. Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзоланган йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб боряпмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципиал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, мудофаа вазири жаноб Рамсфелд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ердаги ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт — юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАОЛЛАРИ ВА ТАРҒИБОТЧИЛАРИГА УСЛУБИЙ КЎМАК

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДА, ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД УЮШТИРИЛАДИГАН СУҲБАТЛАР, МАЪРУЗАЛАР, МУЛОҚОТЛАР, «ДАВРА СУҲБАТЛАРИ» ВА АНЖУМАНЛАР НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Мустаҳкам тинчлик ва барқарор хавфсизлик — осойишта ҳаёт ва тараққиёт гарови.

Барқарор хавфсизлик — яхлит ва узлуксиз ҳолат.

Терроризм — миллат, диний эътиқод ва чегара билмайдиган мудҳиш иллат.

Терроризм — тараққиёт душмани.

Терроризм — асримизга мерос бўлиб ўтган, ижтимоий-сиёсий вабо.

Терроризм — миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги жиддий хавф.

Терроризм — диний ақидапарастлар, наркобизнес корчалонлари, айирмачилар ва аксилистиқлолчилар қўлидаги ёвузлик қуроли.

Халқаро терроризм — ялпи тинчлик ва умумий хавфсизликка таҳдид солаётган ёвузлик.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик хуружи — халқаро терроризмнинг мудҳиш кўриниши ва намойиши.

Халқаро терроризм томонидан АҚШда уюштирилган фожиа бутун инсониятга қарши жиноятдир.

«Толибон» ҳукмронлигидаги Афғонистон ҳудуди — халқаро терроризмнинг қўрғони ва йирик синов майдони.

«Толибон» ҳаракати — халқаро террорчиларнинг таянчи.

«Толибон» ҳукумати — Марказий Осиё мустақил давлатларига қарши босқинчилик хуружлари қилган жиноий унсурларнинг пушти-паноҳи.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: халқаро терроризмни таг-томири билан тугатиш — барча давлатларнинг долзарб вазифаси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан: терроризмга қарши бирлашайлик!

БМТ Хавфсизлик кенгаши 1373-сонли резолюциясининг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш учуҳ аҳамияти ҳақида.

Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш борасидаги ташаббус ва таклифларининг жаҳоншумул аҳамияти.

Терроризм даҳшатларини бошдан кечирган Ўзбекистон халқининг АҚШ халқи билан ҳамдард, унинг террорчиларга қарши курашига хайрихоҳлиги хусусида.

АҚШ ҳукуматининг «Толибон» ҳаракати раҳбарияти олдига қўйган талаблари Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўла мосдир.

Халқимизнинг мақсади — тинчлик, осойишталик ва бунёдкорлик.

Ўзбекистон раҳбариятининг юртимизда тинчлик ва осойишталик, давлатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари.

Мамлакатимиз Куролли Кучларининг жанговар тайёргарчилигини кучайтириш — замон талаби.

Чегара қўшинларининг жанговарлик маҳорати ва сергаклигини ошириш — ҳаётий зарурат.

Бунёдкорлик ишлари, сермаҳсул меҳнатимиз — мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишнинг ишончли замини.

Ўзбекистон ХДП Дастури терроризм ва экстремизмга қарши муросасиз курашиш тўғрисида.

Ўзбекистон ХДП томонидан республика раҳбариятининг мамлакат тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, халқаро терроризмга биргаликда қарши курашиш борасидаги сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини фаол қўллаб-қувватланиши ҳақида.

ЭСЛАТМА:

Ушбу мавзулар намунавий бўлганлиги сабабли, улардан шу туришида фойдаланиш ёнинки қандайдир ўзгартиришлар киритиш, рўйхатни янги мавзулар билан бойитиш мумкин. Суҳбат, маъруза, мулоқот ва анжуманларни ўтказишда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби, БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессиялари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул саммити ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 1 октябрдаги йиғилиши тўғрисидаги ахборот, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида жорий йилнинг 1 октябрида бўлиб ўтган йиғилиш ҳақидаги ахборот, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2001 йил 13 сентябрдаги Баёноти, Ўзбекистон ХДП Дастури, партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2001 йил 12 сентябрдаги Баёноти, шунингдек, терроризмга доир махсус адабиётлар, даврий матбуотда эълон қилинаётган хабарлар ва мақолалардан фойдаланиш тавсия этилади. Барча суҳбат ва мулоқотларда республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз меҳнати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиши, республикамиз раҳбариятининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини амалий ишлари билан қўллаб-қувватлаши, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида Юртбошимиз атрофида яна-да мустаҳкамроқ жипслашиши орқали ҳиссасини қўшиши зарурлиги ҳақидаги фикр ифодасини топмоғи лозим.

Республикада ягона бўлган Сирдарё вилоят реабилитация ва саломатлик маркази жаҳон андозалари даражасида бунёд этилган бўлиб, Финляндиянинг «Медико Медикал» компаниясининг ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Марказда 250 нафар беморни қабул қиладиган поликлиника, 200 ўринга мўлжалланган кундузги стационар, кардиология, функционал диагностика, травматология, асаб касалликлари, шунингдек, оналар ва болалар бўлими фаолият юритади. Ҳамма бўлимларда касаллик турига қараб тўлиқ автоматлаштирилган спорт-соғломлаштириш хоналари мавжуд.

Суратларда: марказ фаолиятидан лавҳалар.



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Қашқадарё вилоятида бу йил 22 минг тонна уруғлик ғалла тайёрланган бўлса, шунинг нақ 12 минг тоннаси шаҳрисабзлик деҳқонлар улуши. Август ойи якунланмасиданоқ туман пахтакорлари 2500 тоннадан ошиқ «Наманган-77» навли уруғлик пахта етказиб бериб, бу борадаги шартнома режасини ҳам бажариб қўйдилар. Бу муваффақият тасодифми?

— Чор ҳукумати мутахассислари ҳам Шаҳрисабзга алоҳида муносабатда бўлишган,— дейди пахта тозалаш корхонаси раҳбари Шуҳрат Тоғаев. — Ўтган асрнинг ўн тўртинчи йилида алоҳида темир йўл тортиб келинган. Чунки туман иқлими деҳқончиликка ниҳоятда қулай, тупроғи соз. Корхонамиз Шаҳрисабз ва Китоб туманлари деҳқонлари етиштирган пахтани қайта ишлайди. Ўтган йили тола чиқиши 35 фоизга кўтарилиб, АҚШ, Франция, Испания давлатларидан пахта толаси сифати бўйича ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашиш таклифи келди. Негаки, биз олаётган тола ҳар жиҳатдан жаҳоний андоза талабига жавоб бермоқда. Хусусан, кейинги йилларда етиштирилаётган «Наманган-77» навли пахтага талаб катта. Бу йил икки туман учун шу навли пахта чигитидан 1100 тонна тайёрлаб бердик. Шаҳрисабз тумани шу навга ўтди. Айниқса, Улуғбек номли ширкат тажрибаси эътиборга лойиқ.

Ширкат далалари тоғолди Мироқ ва Чоршанбе қўрғонлари қоқ ўртасида. Машҳур Оқдарё сувлари каналдан ўқдай оқиб тушади. Раис Нарзулло Саидовни дала ёқасида учратдим. Элликдан ошган, бўйдор, хушсурат. Ҳосилот бўлган, консерва корхонаси қурган тадбиркорлардан. «Шу йилнинг 12 май куни раис бўлганман», дейди кулиб. Унгача тўрт йил хўжаликни Шомурод Ражабов бошқарганди. Шомурод ака бунгача қишлоқ хўжалик бошқармаси, кимё идорасига раҳбарлик қилган, аммо бевосита хўжаликни кўтариб эътиборга тушди ва Шаҳрисабз тумани ҳокими этиб тайинланди.

— Барча ер майдонимиз 1000 гектар, — дейди Нарзулло Саидов. — Шомурод ака раҳбарлигида хўжалигимиз оғизга тушди. Уч-тўрт йилдан буён пахтачиликда юқори натижага эришилмоқда. Ўтган йили 34 миллион 600 минг сўмдан ошиқ соф фойда олинди. Унинг 30 фоизи дивиденд қилиб берилмоқда, 12 миллион сўм устама ҳақ тўланди. 2 та янги тракторлар сотиб олдик. Бу йил ҳам 420 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан дон етиштириб, 1200 тонна ўрнига 1600 тонна дон сотдик. Ижарачилар ҳам ҳақини олган...

Раис яқинда раҳбарликка келгани, хўжаликни ҳозирги ҳоким кўтаргани учунми, гап ўрнига ишни кўрсатиб, далаларга бошлай қолди. Хўжалик ўтган йили 336 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олган бўлса, бу йил 40 центнерни мўлжаллаяпти. Режа эса туманда биринчи бўлиб уддаланди. Айниқса, Назира Худойқулова бош пудратчи бўлган далада гўзалар шунчалик бўлиқ ва серҳосилки, ҳайратга тушасиз.

— Уруғлик пахтанинг меҳнати оғир, — дейди яна бир бош пудратчи Ҳомид Амиров. — Ўтган йили ҳосилдорлик 49 центнерга етган эди. Бу йил 31 гектар ердан 50 центнердан оламиз. Артезиан қудуғимиз йўқ. Оқдарёнинг сувидан ўлчаб беришган. Ютуқ ишнинг кўзини билган, ўзини аямаганники. Кейин манфаатдорлик бор. Масалан, Шоира Худойқулова ўтган йили 5 гектар ердан 51 центнердан пахта етиштириб оиласи билан роса 500 минг сўм пул олди.

— Одамлар билан суҳбатлашдингизми? — сўрайди туман ҳокими Шомурод Ражабов. — Мен тўрт йил шу кишилар билан ишладим. Меҳнаткаш, қалби орзуга тўла. Мана, бу йил ҳам режани туманда биринчи бўлиб уддалашди. Ерни алдашмайди. Деҳқонлар пахта ҳам, ғалла ҳам яхши даромад беришини амалда кўришди. Яна нима десамикин?

Бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди. Ширкат вилоятда энг сифатли ва уруғлик пахта тайёрлаш тажрибаси билан машҳур. Бу йил яна деҳқонлар ўзларини кўрсатишди. Уруғлик пахтанинг ҳаммаси юқори нав билан қабул қилинди. Энг муҳими, деҳқон чеккан заҳматдан рози.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЁРДАМ КЕЧИКТИРИЛДИ

Европа Иттифоқи Македонияга уюштирилиши лозим бўлган ёрдам борасидаги халқаро учрашувни номаълум муддатга қолдирди. Бунга сабаб, ҳукуматнинг мамлакатдаги кам сонли албанларнинг қизиқишларини инобатга

олган ислоҳотлар ўтказишни орқага сураётганидир. НАТО томонидан албан жангариларидан қуролларни йиғиб олиш операцияси муваффақиятли амалга оширилгач, жангчилар етакчиси Али Ахмет албан армияси расмий равишда тугатилганини эълон қилганди. Пайшанба куни эса Македония ҳукумат қўшинлари олдин албан жангчилари тасарруфида бўлган ҳудудларга кириб келишди. Битимга кўра, Македония ҳукумати мамлакат конституциясига албан миллатига тегишли фуқароларнинг ҳуқуқини ҳисобга олган ўзгартиришлар киритиши зарур. Ҳукумат раҳбарлари билан бу ҳақда музокара юритиш учун бу ерга Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат бўйича масъул вакиллари Хавьер Солана ва Крис Паттен ташриф буюрди. Улар ҳукумат раҳбариятини конституцияда ислоҳотлар ўтказишни тезлаштириш зарурлигига ундашмоқда. Македонияга ЕИ ёрдамининг кечиктирилиши эса оғир иқтисодий оқибатларга олиб келади.

БУЮК БРИТАНИЯ БИН ЛОДИННИ АЙБЛАЙДИ

